Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2026 ЙИЛ – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2026 йил 4 ноябрь, № 231 (9402) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

КЎҲНА БУХОРОНИНГ ЯНГИ ТАРИХИ: СТРАТЕГИК ЛОЙИҲАЛАР, БУНЁДКОРЛИК РУҲИ ВА ЖАДАЛ ЎЗГАРИШЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев 3 ноябрь куни Бухоро вилоятига ташриф буюрди. Давлатимиз раҳбари тарихий меросни асраш ва туризм инфратузилмасини ривожлантириш борасидаги ишлар, шунингдек, саноат ва қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишди.





Ташриф Когон туманида жойлашган Баҳоуддин Нақшбанд мақбараси зиёратидан бошланди. Бу ерда Қуръон тиловат қилиниб, халқимизга тинчлик ва фаровонлик тилаб, дуо қилинди.

Хожа Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд XIV асрда яшаб ўтган буюк аллома, тасаввуфдаги нақшбандия тариқатининг асосчисидир. Унинг мақбараси атрофида асрлар давомида шаклланган меъморий мажмуа бугун ҳам ислом оламидаги эъзозли зиёратгоҳлардан бири ҳисобланади.

Ҳар куни ўртача 15 мингга яқин кишилар зиёрат қилаётган Баҳоуддин Нақшбанд меъморий мажмуаси “Ипак йўли: Зарафшон — Қорақум коридори” таркибида ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган.

Сўнгги йилларда мажмуанинг тарихий қиёфасини асраш ва зиёратчиларга қулайлик яратиш бўйича ишлар олиб борилди. XV аср чизмалари асосида “Дониёлбий оталиқ” мадрасаси ва “Тоқи миёна” дарвозаси таъмирланди, музей экспозицияси ҳамда илмий-тадқиқот маркази ташкил этилди.

Президентимиз Бухоро асрлар давомида маърифатли ислом тараққиётида муҳим ўрин тутиб келганини таъкидлади. Бу бой маънавий меросни чуқур ўрганиш ва ундан ёшлар тарбиясида самарали фойдаланиш, уларни илм-маърифатга ундаш зарурлигини қайд этди.

— Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий ва Имом Мотуридий боболаримиз номи билан боғлиқ мажмуалар — буларнинг барчаси бир мақсадга хизмат қилади: буюк аждодларимиз илмий меросини давом эттириш ва ёшларимизни шу руҳда тарбиялаш, — деди давлатимиз раҳбари.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Бухоро шаҳридаги Конгресс-холл мажмуаси ва замонавий меҳмонхоналар қурилишини кўздан кечирди.

Кейинги йилларда Ўзбекистонга келаётган хорижлик сайёҳлар сони изчил ўсмоқда. 2025 йилда мазкур кўрсаткич 2016 йилдагига нисбатан қарийб олти баробар, туризм хизматлари экспорти эса ўн бир карра ошди. Шу билан бирга, мамлакатимизда йирик халқаро тадбирлар ўтказиш учун замонавий инфратузилмага талаб ортиб бормоқда.

Мажмуа шаҳарнинг ана шундай тадбирларга мезбонлик қилиш имкониятини кенгайтиради. Конгресс-холл форумлар, олий даражадаги учрашувлар ва бошқа йирик анжуманларни ўтказишга хизмат қилади.

Қиймати 60 миллион доллар бўлган лойиҳа доирасида 14,5 минг квадрат метр майдонли бино қурилмоқда. Ҳозирги кунда асосий бетонлаштириш ишлари якунланиб, ташқи муҳандислик тармоқларини тортиш, фасад ва том қисмларини барпо қилиш давом этмоқда.

Шу ҳудудда 37 миллион долларлик “Hilton Garden Inn” меҳмонхонаси ҳам қад ростламоқда. Етти қаватли, 212 хонали меҳмонхонада ер ости автотураргоҳи кўзда тутилган. Бинонинг асосий конструкциялари қуриб битказилган, ҳозир ички деворлар, муҳандислик тармоқлари ва фасад ишлари олиб борилмоқда.

Яна бир лойиҳа — 39,6 миллион долларлик “Holiday Inn” меҳмонхонаси. Бу иншоот ҳам етти қаватли, 212 хонали бўлади, ёнида икки қаватли бизнес маркази ҳам барпо этилаётир. Меҳмонхонада том монтажи ва ички деворлар қурилиши, бизнес маркази ертўласида эса бетонлаштиришнинг якуний босқичи кетмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ОДИЛ СУДЛОВНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Кеча Олий Мажлис Сенати Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Йиғилиш

Уни Сенат Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Мажлисда судьялар мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳамда одил судловни таъминлашнинг институционал механизмларини ривожлантиришга қаратилган муҳим масала — Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосарини сайлаш масаласи кўриб чиқилди.

Йиғилишда таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда суд ҳокимиятининг нуфузини ошириш, фуқароларнинг судларга ишончини мустаҳкамлаш, судьялар фаолиятида холислик ва мустақилликни таъминлаш борасида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда Олий суднинг ўрни ва аҳамияти алоҳида ҳисобланади.

Мазкур масала юзасидан Сенат Кенгашининг тегишли қарорига асосан Фаррух Сойибжонович Абдураимов беш йил муддатга Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари — судлов ҳайъати раиси лавозимига сайланди.

Шу билан бирга, Алишер Атаханович Усманов Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари лавозимидан озод этилди.

Мажлисда сўзга чиққан сенаторлар суд тизимида кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш суд ҳокимиятининг самарали фаолиятини ташкил этишда муҳим аҳамиятга эгалигини таъкидлади.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҲАЁТИЙ ЯНГИЛАНИШЛАР ВА ЭЗГУ ТАШАББУСЛАР МЕЗОНИ



Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда якка тартибдаги тадбиркорларнинг лизинг хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, интеллектуал мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлаш, миграция соҳасида давлат хизматлари кўрсатиш самарадорлигини оширишга қаратилган қонун лойиҳалари, шунингдек, парламент назорати фаолиятига доир масалалар муҳокама марказида бўлди.

Кун тартибидаги ушбу масалалар сиёсий партиялар фракцияларида, масъул қўмиталар, ишчи гуруҳ йиғилишларида экспертлар, тегишли вазирлик ҳамда идоралар мутахассислари иштирокида атрофлича муҳокама қилингани қайд этилди.

3

«Мирзиёев доктринаси:

ГЛОБАЛ БЕҚАРОРЛИК ДАВРИДАГИ ИМКОНИЯТЛАР ДИПЛОМАТИЯСИ»

Анқара шаҳрида Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт модели ва мамлакатимизнинг ташқи сиёсат стратегиясига бағишланган “Мирзиёев доктринаси: глобал беқарорлик давридаги имкониятлар дипломатияси” номли китобнинг турк тилидаги нашри тақдимоти бўлиб ўтди.

Тақдимот

Тадбир Туркия Президенти Администрациясининг Коммуникациялар бошқармаси, Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги (TIKA) ҳамда Ўзбекистон элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда таниқли олимлар, сиёсатшунослар, экспертлар, расмий доиралар, дипломатик корпус ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Китоб ҳаммуаллифи, Ўзбекистон ташқи ишлар вазирининг маслаҳатчиси Шуҳратжон Йигиталиев турк тилида интерактив маъруза қилиб, асарнинг асосий ғояси ва илмий-амалий аҳамияти ҳақида сўзлаб берди, иштирокчиларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Тақдимотда Янги Ўзбекистондаги ислоҳотлар, давлат бошқаруви тизимининг янгиланиши, иқтисодий очиқлик сиёсати ва ташқи сиёсатнинг фаоллашуви халқаро экспертлар томонидан катта қизиқиш уйғотаётгани таъкидланди. Ўз навбатида, шу пайтгача мазкур жараёнларни ягона сиёсий-фалсафий ёндашув асосида тизимлаштирадиган ҳамда уларнинг стратегик мазмун-моҳиятини очиб берадиган фундаментал тадқиқотлар етишмаётгани қайд этилди. “Мирзиёев доктринаси: глобал беқарорлик давридаги имкониятлар дипломатияси” китоби айнан шу бўшлиқни тўлдиришга қаратилган илк фундаментал асарлардан бири сифатида эътироф қилинди.

Сўзга чиққанлар сўнгги ўн йилликка янгича нигоҳ билан қараш, ўзгаришларнинг мафкуравий асослари ва узоқ муддатли истиқболларини англаш ҳамда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан шакллантирилган тараққиёт модели фалсафасини мазмунан тушуниб етиш имконияти тақдим этилганини китобнинг асосий қадр-қиммати сифатида келтирди. Асарда ислоҳотлар стратегик тафаккур ва давлат бошқаруви фалсафасига таянган яхлит жараён сифатида таҳлил қилинган. Шунингдек, инсон манфаатларининг устуворлиги, очиқлик ва прагматизм, минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ўзаро ишонч ва манфаатли шериклик каби тамойилларга алоҳида эътибор қаратилган.

2

ТАФАККУР ОЗОДЛИГИ – ЭНГ УЛУҒ ЭРК

Сиёсатшунос Қудратилла Рафиқовнинг «Шавкат Мирзиёев инқилоби ёхуд мен нима учун Президентим билан ғурурланаман?» мақоласини ўқиб...

Сиёсий мавзуда ёзилган мақолаларни яхши кўраман. Фурсат топишим билан ўқишга, таҳлил қилишга интиламан. Бунинг боиси бор, албатта. Биринчидан, сиёсий мавзуга ҳамма қўл уравермайди. Иккинчидан, сиёсий фикр юритишнинг ўзига хос масъулияти бор. Учинчидан, сиёсатни ўта нозик тушуниш талаб этилади.

Акс садо

Халқимизнинг сиёсий маданиятини, мушоҳада юритишини, дунёқарашини шакллантириш муаммоси доимий мавжуд бўлган. Бунинг ҳам ўзига яраша сабаблари бор, албатта.

Қудратилла Рафиқовнинг мазкур мақоласи ва бундан олдин эълон қилинган фикр-мулоҳазаларида айнан мана шу бўшлиқни тўлдиришга ҳаракат қилинганини алоҳида таъкидлашни истайман.

Таҳлилий-танқидий, сиёсий-аналитик мақолаларга эҳтиёж ва талаб юқорилигини ҳисобга оладиган бўлсак, муаллифнинг бу борадаги саъй-ҳаракатларини юқори баҳолаш керак.

Ким нима дейишидан қатъи назар, мен янги тарихимизни 2016 йилдан бошлаш тарафдориман. Бу борада ҳатто тарихчилар билан баҳслашишга ҳам тайёрман. Тўғри, 2016 йилгача ҳам буюк тарихимиз бўлган. Бундан кўз юммаймиз. Мен “янги тарих” деганда, қарийб бир асрлик тафаккур таназзулига барҳам берилганини назарда тутяпман. Биз бунга ҳатто мустақилликнинг дастлабки 25 йилида ҳам эриша олмаган эдик.

Тафаккур таназзули нима? Тафаккур сўзига ўзбек тилининг изоҳли луғатида шундай таъриф берилади: фикрлаш, ўйлаш, мушоҳада қилиш.

Халқимиз айнан фикр айтишдан, ўйлашдан, мушоҳада қилишдан маҳрум этилган эди. Улуғлардан бири айтганидек, қулликнинг энг ёмон томони шундаки, қул аста-секин қўлидаги кишанга ҳам меҳр қўя бошлайди. Биз ҳам, ўз навбатида, фикр айтмасликка, ўйламасликка, мулоҳаза юритмасликка, мухтасар айтганда, фикр қашшоқлиги синдромига кўникиб қолгандик. Қўрқув қон-қонимизга сингиб кетганди. Ачинарлиси ва аламлиси шундаки, бу вазият мустақил мамлакатда ҳукм сурарди.

Назаримда, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг миллатга берган энг улуғ эрки — бу тафаккур озодлиги. Моддиятни инкор қилмаган ҳолда айтиш керакки, миллат маънавиятидаги мазкур эврилиш, мақола муаллифи айтганидек, сўзсиз инқилобдир.

Бугун бутун дунёда тафаккур инқилоби юз бермоқда. Демак, туткун ва тушовланган тафаккур миллат таназзулининг бошланишидир.

Давлатимиз раҳбари айнан миллат тафаккуридаги тутқунликни парчалаб, тушов ва тизгинларни тарих қаърига улоқтириб ташлади.

Тафаккурсиз тараққиёт бўлмайди. Мабодо бўлса ҳам, у сунъий, вақтинчалик ва мўртдир. Ўзбекистон кейинги ўн йилда айнан тафаккурга таянган, тафаккурга асосланган тараққиёт йўлини босиб ўтди. Бу тадрижий тараққиётдир.

Биз 25 йил давомида “Ёшларни ҳеч кимга бериб қўймаймиз”, “Онгини ёт ғоялардан ҳимоя қиламиз”, деб тарғибот олиб бордик. Лекин афсуски, қуруқ шиорбозлик билан ҳеч нарсага эришиб бўлмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев қаерга бормасин, қандай мавзуга бағишланган йиғилиш ўтказмасин, диққат марказида доим ёшлар масаласи туради. Мулоқотларда асосий эътибор ҳам ёшларга қаратилади. Президентимиз имкон даражасида уларни эшитишга, қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилади. Бу эзгуликлар жуда тез ўз мевасини берганини кўрдик.

Жавоҳир Синдоров, Нодирбек Абдусатторов, Абдуқодир Хусанов каби бутун бир ёшлар авлоди, армияси шаклланди. Бу ёшлар бугун дунёга Янги Ўзбекистоннинг куч ва қудратини намойиш этмоқда.

2

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 4 ноябрь

КЎҲНА БУХОРОНИНГ ЯНГИ ТАРИХИ: СТРАТЕГИК ЛОЙИҲАЛАР, БУНЁДКОРЛИК РУҲИ ВА ЖАДАЛ ЎЗГАРИШЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Давлатимиз раҳбари объектлардаги ишлар билан танишиб, улар Бухорода халқаро тадбирларни юқори савияда ўтказиш, туризм хизматлари кўламини кенгайтириш учун муҳимлигини, бу эса аҳоли даромадларини ошириш ва ҳудуд иқтисодиётини янада ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Қурилиш ишларини белгиланган муддатда, сифат талабларига қатъий риоя этган ҳолда якунлаш бўйича топшириқлар берилди.

Кейин Президент Шавкат Мирзиёев Бухоро шаҳридаги Қўшмадраса ансамблига ташриф буюрди.

Абдуллахон мадрасаси XVI аср ўзбек меъморчилигининг нодир намуналаридан бири, 1588 — 1590 йилларда Бухоро хонлигининг Шайбонийлар сулоласидан чиққан ҳукмдори, буюк саркарда ва давлат арбобларидан бири Абдуллахон II томонидан бунёд этилган.

Мадраса режаси ва ички тузилиши мураккаб муҳандислик ечими билан анъанавий Бухоро мадрасаларидан фарқ қилади. Мажмуанинг бош кириш қисми жанубга қараган бўлиб, у кўк рангли кошин ва сирли нақшлардан терилган геометрик мозаика билан безатилган.

XVI асрда мадраса Моваройуннаҳрнинг энг йирик ва нуфузли олий таълим ва илм-фан марказларидан бири бўлган. Бу ерда илми толибларга диний ва дунёвий фанлардан дарс берилган. Хусусан, мадрасада Қуръон, тафсир, ҳадис, фиқҳ, ақоид билан бир қаторда араб тили ва адабиёти, мантиқ, фалсафа, математика, геометрия, тиббиёт фанлари чуқур ўқитилган.

Ансамблнинг жанубий қисмида 1566-1567 йилларда Абдуллахон II томонидан ўз онаси шарафига бунёд этилган Модарихон мадрасаси жойлашган. Мадрасалар бир-бирига қарама-қарши, бир ўқ чизиғида қурилган.

Қўшмадраса ансамбли 2023-2024 йилларда қиймати 6 миллиард сўмлик лойиҳа доирасида қисман реставрация қилинган. Бугунги кунда мазкур ансамблга 1 миллион сайёҳ ташриф буюрмоқда.

Давлатимиз раҳбарига Қўшмадраса ансамблини реставрация қилиш режаси тақдимот қилинди.

Президентимиз сайёҳлар учун янада қулай шароитлар яратиш юзасидан кўрсатмалар берди.

Сўнг давлатимиз раҳбари Бухоро шаҳрида қурилаётган янги туризм марказида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Қадимий Бухоронинг тарихий обидалари, ҳунармандчилик ва гастрономия анъаналари сайёҳлар учун катта қизиқиш уйғотади. Янги марказда бу бой меросни замонавий хизматлар билан уйғунлаштириш, шаҳарда йирик халқаро маданий ва ишбилармонлик тадбирларини ўтказиш учун шароит яратиш кўзда тутилган.

Президентимиз жорий йил январь ойида Бухоро шаҳрининг бош режаси муҳокамасида маданият лойиҳаларини туризмни ривожлантириш билан боғлиқ ҳолда амалга ошириш, уларнинг иқтисодий барқарорлиги ва сифатли бошқарувини таъминлаш зарурлигини таъкидлаган эди. Мазкур марказ ҳам меҳмонлар учун турли хизматларни бир ҳудудда жамлашга қаратилган.

Мажмуа 50 гектар майдонда барпо этилмоқда. Лойиҳага жами 105 миллион доллар инвестиция йўналтирилиши режалаштирилган.

Лойиҳага кўра, ҳудудда қабуллар уйи, кўргазмалар зали, музей, иккита замонавий меҳмонхона, 80 та оилавий меҳмон уйи, 2 минг ўринли амфитеатр, 70 дан ортиқ савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этилади. Шунингдек, сайилгоҳлар, ҳунармандчилик марказлари ва сунъий кўл ташкил қилинади. Иншоотлар қиёфасида Бухоро меъморчилигига хос анъаналарни замонавий ечимлар билан уйғунлаштириш назарда тутилган.

Ҳозир марказнинг 10 гектар майдонида муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш ишлари олиб борилмоқда. Мазкур жараёнга 50 га яқин махсус техникалар жалб қилинган.

Мажмуа тўлиқ ишга тушгач, 2 мингта иш ўрни яратилиши, Бухорога қўшимча 2 миллиондан ортиқ сайёҳлар жалб этилиши кутилмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, маҳаллий бюджетга йиллик тушум 288 миллиард сўмни ташкил этиши мумкин.

Президентимиз лойиҳанинг аҳамияти бунёд этилаётган бинолар билангина ўлчанмаслиги, асрлар давомида илм-маърифат, савдо ва ҳунармандчилик маркази бўлиб келган Бухоронинг шуҳратига муносиб муҳит яратиш, унинг бой меросини дунёга янада кенг танитиш муҳимлигини қайд этди. Янги марказга келган меҳмон шариф шаҳарнинг тарихий руҳини ҳис қилиши, бугунги тараққиётини кўриши, бухороликлар эса туризм ривожидан иш ўрни ва даромад кўриши лозим. Президентимиз лойиҳани ана шу мақсадлардан келиб чиқиб амалга ошириш вазифасини қўйди.

Президент Шавкат Мирзиёев Бухоро вилоятига ташрифи чоғида Вьетнамнинг “ROX Group” компанияси томонидан мамлакатимизда амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳалар тақдимоти билан танишди.

Компания вакиллари Бухорода иккита, Тошкент шаҳрининг Учтепа тумани ва Самарқандда биттадан — жами тўртта шаҳарсозлик лойиҳаси ҳақида ахборот берди. Уларнинг умумий майдони 285 гектарни, инвестиция ҳажми 4,5 миллиард долларни ташкил этади. Лойиҳалар 115 минг нафар аҳоли учун мўлжалланган.

Бухоро туманида 65 гектар, Бухоро шаҳрида эса 25 гектар майдонда янги тураржой массивлари қурилиши бошланди. Уларда 30 минг нафар аҳолига мўлжалланган кўп қаватли уй-жойлар, меҳмонхоналар, бизнес марказлари, савдо, хизмат кўрсатиш ва кўнгилочар объектлар барпо этиш кўзда тутилган.

Учтепа туманидаги лойиҳа замонавий шаҳар муҳитини яратишга, Самарқанддаги ташаббус эса мавжуд сайёҳлик мажмуаси атрофидаги инфратузилмани кенгайтиришга қаратилган. Вьетнамлик инвестор Жиззах вилоятининг Зомин туманида саноат зонаси ташкил қилиш ташаббусини ҳам илгари сурди.

Давлатимиз раҳбари тақдим этилган концепцияларни маъқуллаб, лойиҳаларда илғор шаҳарсозлик ечимларини қўллаш зарурлигини кўрсатиб ўтди. Мутасаддиларга лойиҳалар учун зарур инфратузилма ва амалга ошириш механизмларини компания билан биргаликда пухта ишлаб чиқиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Бухоро вилоятига ташрифи доирасида янги объектларни ишга тушириш ва истиқболли лойиҳалар қурилишига старт бериш маросимида иштирок этди.

Бухоро асрлар давомида илм-фан, маданият ва ҳунармандчилик маркази бўлиб келган. Бугун аждодларимиздан мерос бунёдкорлик анъаналари замонавий ишлаб чиқариш, тадбиркорлик ва туризм ривожида давом этмоқда.

Давлатимиз раҳбари сўнгги тўққиз йилда вилоятга 9,5 миллиард долларлик хорижий инвестиция жалб қилиниб, 6 мингдан ортиқ янги ишлаб чиқариш қувватлари ва 120 мингта доимий иш ўрни яратилганини қайд этди. Бу натижалар одамларнинг бандлиги ва даромади ошиши, маҳаллий корхоналарнинг янги бозорларга чиқишида ўз ифодасини топмоқда.

— Бугунги Бухоро буюк тарихдан янги тараққиёт ва муҳташам лойиҳалар даврига шиддат билан юзланмоқда, — деди Президентимиз.

Нефть-кимё, тўқимачилик, қурилиш материаллари, машинасозлик, энергетика, тоғ-кон саноати, фармацевтика, рақамли технологиялар, логистика, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат, уй-жой қурилиши, инфратузилма, хизмат кўрсатиш ва туризм соҳаларида умумий қиймати 7,8 миллиард доллар бўлган 145 та лойиҳадан иборат дастур шакллантирилган. Шундан 654 миллион долларлик 55 та лойиҳа ишга туширилмоқда, қиймати 7,1 миллиард доллар бўлган яна 90 тасининг қурилиши бошланмоқда.

Лойиҳаларда АҚШ, Канада, Германия, Япония, Жанубий Корея, Сингапур, Хитой, Вьетнам, Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари, Саудия Арабистони, Россия ва Ҳиндистон инвесторлари, Осиё тараққиёт банки, Осиё инфратузилма инвестициялари банки ҳамда маҳаллий тадбиркорлар иштирок этмоқда.

Уларнинг амалга оширилиши натижасида 14 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилиши, йилига 22 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиши ва 510 миллион долларлик экспорт имконияти пайдо бўлиши кутилаётир.

— Мақсадимиз битта — импорт ўрнини босадиган ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, — деди давлатимиз раҳбари.

Вилоятда энергетика соҳасида ҳам йирик қувватлар барпо этилмоқда. Сўнгги йилларда “яшил” энергетикага 2 миллиард доллар жалб қилиниб, 1 минг мегаватт шамол ва 750 мегаватт қуёш электр станциялари, шунингдек, 63 мегаваттли энергия сақлаш тизимлари ишга туширилди. 601 километр магистраль электр тармоғи тортилди.

Ғиждувонда “ACWA” компанияси билан 300 мегаваттли “Бош-2” шамол электр станцияси, Жондорда “Toyota Corporation” ва Пешкуда “Sinoma” компаниялари иштирокида умумий қуввати 1 минг мегаватт бўлган шамол электр станциялари қурилиши давом этмоқда. Хитойлик ҳамкорлар билан Когон туманида маиший чиқиндилардан электр энергияси олишга қаратилган 165 миллион долларлик лойиҳани амалга ошириш, Германиянинг “Leman” компанияси билан эса “Аму-Бухоро” канали насос станцияларининг барқарор ишлашини таъминлаш бўйича 150 миллион долларлик лойиҳани йўлга қўйиш режалаштирилган.

Вилоятнинг пахтачиликдаги тажрибасига таянган ҳолда замонавий тўқимачилик кластерлари ривожлантирилмоқда. Бухоро шаҳрида “Kurt Baver” бренди остида йилига 62 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарадиган тўқимачилик комплекси барпо этилади. Ромитанда хитойлик инвесторлар иштирокида қиймати 400 миллион доллар бўлган пахта-тўқимачилик кластери ташкил қилинмоқда. Ушбу лойиҳалар доирасида 9 минг гектар ерни ўзлаштириш ташаббуси ҳам илгари сурилган. Натижада юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар улушини 65 фоизга етказиш ва қўшимча 100 миллион долларлик экспорт имкониятини яратиш кўзда тутилган.

Туризм Бухоро тараққиётининг яна бир муҳим йўналишидир.

— Қадимий обидалар, маданий мерос ва замонавий инфратузилма уйғунлиги Бухорони сайёҳларнинг севимли масканига айлантиряпти. Бугунги тадбиримиз ўтаётган, янгидан барпо этилаётган Бухоро туризм маркази ана шу эзгу мақсадга хизмат қилади, — деди давлатимиз раҳбари.

Марказда “Боқий Бухоро” маданий-этнографик парки, кўргазмалар зали, замонавий меҳмонхоналар, маданий ва кўнгилочар масканлар барпо этилади. Шунингдек, Бухоро шаҳрида “Indigo”, “Holiday Inn” ва “Hilton” халқаро брендлари остида меҳмонхоналарни қуриш режалаштирилган.

— Умуман, Бухорода қиймати 3 миллиард долларлик 19 та йирик лойиҳани бошлаймиз. Агар бу ишларни тизимли ташкил қилсак, биргина Бухоронинг ўзида бемалол 5 миллиард долларлик туризм хизматлари экспортини таъминлаймиз, — деди Президентимиз.

Келгуси беш йилда Бухоро вилояти аҳолисини тўлиқ ичимлик суви билан, йирик шаҳарлар ва туман марказларини эса канализация тармоғи билан таъминлаш мақсад қилинган. Халқаро ҳамкорлар билан умумий қиймати 633 миллион доллар бўлган иккита йирик лойиҳа бошланган. Уларнинг ҳисобига 2 миллион нафар аҳолининг сув таъминоти яхшиланади, 781 минг нафар аҳоли илк бор ичимлик сувига эга бўлади.

Шунингдек, вилоятнинг транзит салоҳиятини уч карра оширишга қаратилган, қиймати 565 миллион доллар бўлган еттита йўл лойиҳаси амалга оширилади.

Президентимиз рамзий тугмани босиб, янги объектларни ишга туширди ва истиқболли лойиҳалар қурилишига старт берди. Хорижлик инвесторлар билан мулоқот бўлиб ўтди.

Президент Шавкат Мирзиёев Бухоро шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган йирик халқаро тадбирларга тайёргарлик масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Давлатимиз раҳбари бўлажак тадбирлар Бухоронинг бой тарихий мероси ва бугунги салоҳиятини намоён этиш билан бирга, вилоятни ривожлантиришга хизмат қилиши кераклигини таъкидлади. Бунинг учун тайёргарликни тадбирлар ўтадиган жойлар билан чекламай, транспорт, хизмат кўрсатиш, хавфсизлик ва шаҳар инфратузилмасини яхлит ҳолда ривожлантириш зарур.

Йиғилишда олий даражадаги учрашувлар ва йирик халқаро тадбирларни юқори савияда ташкил этиш масалалари кўриб чиқилди. Ҳар бир вазирлик ва идорага хорижий ҳамкорлар билан ўзи йўналиши бўйича мазмунли мулоқотга тайёргарлик кўриш, мамлакатимиздаги ислоҳотларнинг амалий натижаларини кўрсатиш ва янги қўшма ташаббуслар ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Жамоат хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Бухорода замонавий вазият марказлари фаолиятини йўлга қўйиш, жамоат жойлари ва сайёҳлик объектларидаги ҳолатни рақамли технологиялар ёрдамида кузатиш, йўл ҳаракатини бошқариш ҳамда кибержиноятчиликка қарши курашиш бўйича режалар муҳокама қилинди. Маҳаллаларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда профилактика инспекторлари ва “маҳалла еттилиги” ҳамкорлигини кучайтириш зарурлиги қайд этилди.

Президентимиз Бухорога келган меҳмон аввало аэропорт, вокзал ва йўллар ҳолатига эътибор қаратишини таъкидлади. Шу боис қиймати 300 миллион доллар бўлган янги халқаро аэропорт қурилиши, уни шаҳар билан боғловчи 23,5 километрлик йўлни барпо этиш ва йўл бўйларини кўкаламзорлаштириш ишлари кўриб чиқилди. Темир йўл вокзаллари атрофини ободонлаштириш, автотураргоҳлар, ёритиш, сервис ва жамоат транспорти қатновини яхшилаш бўйича топшириқлар берилди. Шаҳар ва туманларни вокзаллар билан боғлаш учун қўшимча 120 та автобус жалб этиш белгиланди.

Бухоронинг иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда яшил ҳудудларни кенгайтириш, дарахт ва буталар экиш билан бирга, уларнинг парвариши учун суғориш ҳамда дренаж тизимларини ташкил қилиш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Халқаро тадбирлардан инвестиция ва иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш учун фойдаланиш зарурлиги таъкидланди. Саноат кооперацияси, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, транспорт-логистика ва экспорт соҳаларида хорижий шериклар билан амалий келишувларга эришиш бўйича таклифлар кўриб чиқилди. Шунингдек, вилоятда қайта тикланувчи энергетика лойиҳалари, электр энергиясини узатиш ва сақлаш инфратузилмасини ривожлантириш ишлари муҳокама қилинди.

Бухоронинг тарихий-маданий мероси ва сайёҳлик имкониятларини кенгроқ намоён этиш билан бирга, меҳмонларни ҳудуддаги замонавий корхоналар, қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги ишлар билан бевосита таништириш муҳимлиги қайд этилди. Аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадларни ошириш, соғлиқни сақлаш ва маданият соҳаларидаги ўзгаришларни ҳам амалда кўрсатиш вазифаси қўйилди.

Давлатимиз раҳбари тайёргарлик жараёнида қуриладиган ҳар бир объект ва жорий этиладиган ҳар бир тизим тадбирлардан кейин ҳам бухороликларга хизмат қилиши лозимлигини таъкидлади. Мутасаддиларга ҳудудларга чиқиб, ишларнинг боришини шахсан ўрганиш, муаммоларни жойида ҳал этиш ва барча вазифалар ижросини қатъий мувофиқлаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Бухоро туманидаги “Tekhnochem” корхонасида бўлиб, нефть-кимё кластерининг фаолияти ва истиқболли режалари билан танишди.

Табиий ресурсларни чуқур қайта ишлаб, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш мамлакатимиз саноат сиёсатининг муҳим йўналишларидан биридир. Бухоро туманидаги кластер нефть ва газ конденсати, нафта, метанол ҳамда пиролиз дистиллятини қайта ишлашга ихтисослаштирилган. Ушбу йўналишдаги мажмуа республикада ягона ҳисобланади.

Корхона 69 гектар майдонни эгаллаган. Бу ерда 500 нафарга яқин кишилар меҳнат қилмоқда. Мажмуада йилига 100 минг тонна пиролиз дистилляти, шунингдек, 160 минг тонна нафта ва газ конденсатини қайта ишлаш қуввати мавжуд. Бу ёқилғи билан бир қаторда кимё саноати учун зарур маҳсулотлар олиш имконини беради. Жумладан, октанбустер бензин сифатини оширишда, эритқичлар эса бўёқ, лок, елим ва маиший кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қўлланади.

Президентимизга кластерни кенгайтиришнинг навбатдаги босқичи тўғрисида ахборот берилди.

2028 йил якунига қадар 292 миллион долларлик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилган. У газ конденсати ва нафтани қайта ишлаш, ароматик углеводородлар ҳамда эритқичлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни назарда тутади. Натижада йиллик қайта ишлаш қуввати қўшимча 400 минг тоннага ошиши ва 700 та янги иш ўрни яратилиши кутилмоқда.

Янги қувватлар ишга тушиши билан технологлар, муҳандислар, кимёгарлар ва лаборатория мутахассисларига эҳтиёж ҳам ортади. Давлатимиз раҳбари шу муносабат билан ҳудудда касбий таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарурлигига эътибор қаратди.

Корхона Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Афғонистон ва Европа Иттифоқи мамлакатларига йилига 180 минг тоннага яқин нефть-кимё маҳсулотлари, автобензин ва дизель ёқилғисини экспорт қилишни режалаштирилаётир. Шунингдек, 2028 — 2030 йилларда 150 минг тонна суюлтирилган газни қайта ишлаш лойиҳаси юзасидан хорижий ҳамкорлар билан музокаралар олиб борилмоқда.

Президентимиз кластернинг экспорт салоҳиятини ошириш ва янги қувватлар учун малакали кадрлар тайёрлаш бўйича тавсиялар берди.

Президент Шавкат Мирзиёев Қоровулбозор туманидаги Бухоро нефтни қайта ишлаш заводига ташриф буюриб, корхонани модернизация қилиш лойиҳаси билан танишди.

Завод мамлакатимизда ёнилғи маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи йирик корхоналардан бири. Бу ерда 3 200 нафардан зиёд мутахассислар меҳнат қилмоқда. Жорий йилнинг тўққиз ойида 1,36 миллион тонна, қиймати 12,1 триллион сўм бўлган нефть маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Маҳсулот ҳамда хизматлар экспорти 99,5 миллион долларни ташкил этди. Йил якунигача бу кўрсаткични 116 миллион долларга етказиш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбарига тақдим қилинган модернизация лойиҳаси хомашёни қайта ишлаш ҳажмини ошириш билан бирга юқори октанли бензин ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган. Лойиҳанинг умумий қиймати 328 миллион долларни ташкил этади.

Унинг доирасида нафтани гидротозалаш ва изомеризация қилиш қурилмалари ўрнатилади. Гидротозалаш жараёнида хомашё таркибидаги олтингугурт ва бошқа аралашмалар камайтирилади. Изомеризация эса енгил фракциялардан олинадиган бензиннинг октан сонини ошириш имконини беради. Мазкур жараёнлар “Евро-5” талабларига жавоб берадиган АИ-92 ва АИ-95 русумли бензин ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун муҳимдир.

Лойиҳада хомашёни фракцияларга ажратиш ва оғир қолдиқларни чуқур қайта ишлашни такомиллаштириш ҳам назарда тутилган. Натижада заводнинг йиллик қайта ишлаш қувватига яна 2,5 миллион тонна қўшилиб, умумий қувват 5 миллион тоннага етади. Қайта ишлаш ҳажми ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ортиши ички бозор таъминотини мустаҳкамлаш, экспортни кўпайтириш имконини яратади.

Президентимиз модернизация ишларини белгиланган муддатларда ва юқори сифат билан бажариш, янги қурилмаларни мавжуд ишлаб чиқариш жараёнларига уйғун ҳолда жорий этиш ҳамда корхонанинг барқарор фаолиятини таъминлаш юзасидан кўрсатмалар берди ҳамда лойиҳада қатнашаётган хорижий компаниялар вакиллари билан мулоқот қилди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Абдулазиз РУСТАМОВ,
Зарифжон КОМИЛОВ,
Дилшод ҲАКИМОВ,
ЎзА махсус мухбирлари.

ТАФАККУР ОЗОДЛИГИ — ЭНГ УЛУҒ ЭРК

1 Нафақат спорт, балки илм-фан соҳасида ҳам, адабиёт ва санъатда ҳам ўзбек ёшлари жаҳон ареналарига, саҳналарга чиқмоқда.

Навқирон авлодни бундай юксак марраларга ким чорламоқда? Ким уларни рағбатлантирмоқда? Ким уларга ўғлим, қизим деб мурожаат қилаётир? Албатта, Президент Шавкат Мирзиёев.

Диёра Келдиёрова Олимпиаданинг олтин медалини қўлга киритганда, биринчи бўлиб Президентимиз Шавкат Мирзиёев табриклади. Юрт отаси ярим тун бўлишига қарамасдан Диёранинг финал учрашувини кўриб, унга қўнғироқ қилди. Бундай бахтдан Шамсиддин Воҳидов ва бошқа кўплаб ёшларимиз ҳам баҳраманд бўлган эди.

Ёшларни қуруқ гап билан илҳомлантириб бўлмаслигини ўз тажрибамизда синаб кўрдик. Президентимиз нафақат ғалабага эришган йигит-қизларни, балки уларнинг устоз-мураббийларини, ота-оналарини ҳам кўкларга кўтарди. Қачон шундай бўлган? Бундай ғамхўрлик ва рағбат тафаккури уйғоқ ёшларнинг сафини тобора тўлдирмоқда. Эртамиз эгаларида ватанпарварлик туйғусини уйғотмоқда.

Президентимиз ҳатто хорижий сафарларда ҳам, вақти қанчалик тиғиз бўлишига қарамасдан ўзбекистонликлар ва ёшлар вакиллари билан учрашиб, улар билан дўстона суҳбатлашмоқда. Таклифларини ўша жойнинг ўзида ҳал этиш борасида топшириқлар бермоқда. Ва албатта, уларни Ватанимизга қайтишга чақирмоқда. Президентимизнинг бу усули кўпчиликка ибрат, ўрнак бўлмоқда.

Мақола муаллифи Қудратилла Рафиқов “Мен нима учун Президентим билан ғурурланаман?” деган саволни ўртага қўйган. Бу фахр, бу миннатдорлик, бу розилик замирида Шавкат Мирзиёевнинг машаққатли меҳнати, буюк меҳри, инсон қадрини улуғлашдек улуғ фалсафаси мужассамлашган.

46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси ғолиби, “Фидокорона хизматлари учун” ордени соҳиби Жавоҳир Синдоров айтганидек: *“Мен Президентим билан фахрланаман. Ўзбекистон фарзанди эканлигимдан ғурурланаман. 2026 йил 12 декабрь. Биз янги тарих яратамиз. Швейцариянинг Женева шаҳрида бўлиб ўтадиган Жаҳон шахмат тожи учун курашда ғалаба қозониб, Жаҳон шахмат тожини Ўзбекистонга олиб келаман. Президентимга Жаҳон шахмат тожини кўп йиллар давомида юртимизда сақлашга ваъда бераман...”*

Ўзбекистонда давлатимиз раҳбари асос солган тафаккур инқилобига яна кўплаб мисоллар келтирса бўлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев давлат бошқарувига келиши билан муқобили йўқ, халқ билан мулоқот тизимини яратди. Бунинг боиси бор эди, албатта. Халқнинг қалбида, юрагида чўкиб ётган армонлари, изтироблари ва муаммолари жуда кўп эди. Одамлар ёлғонлардан, сохта статистикадан тўйиб кетганди. Мустақилликка ишончи сўнаётганди. Халқ билан бошланган фикрлашиш, одамларни эшитиш, дардини тинглаш уларни



рози қилишдек буюк мақсадга айланди.

Бугун биз ўрганиб қолган, ҳатто талаб этаётган масалалар ҳақида бундан ўн йил олдин гапириш у ёқда турсин, ўйлаш ҳам тақиқланган эди.

Инсон тафаккури аслида озодликнинг бошланишидир. Озодлик айнан тафаккур эркинлигидан бошланади. Минг афсуски, биз ҳатто истиқлол йилларида ҳам бутун бир авлодларга тафаккур эркинлигини бермадик. Халқ ва унинг тафаккури ўртасида шафқатсизларча темир парда тортилди.

Франциянинг Лион шаҳрида XVIII асрнинг охирида биринчи марта театрда ёнғинга қарши чора сифатида театр саҳнаси билан томошабинлар ўртасида темир парда тортилган. Биринчи жаҳон уруши даврида “темир парда” ибораси халқлар ва мамлакатлар ўртасида пайдо бўлган мафкуравий ва сиёсий ёпиқликка нисбатан ишлатила бошланган. Бу иборанинг машҳур бўлиши ва халқаро муносабатларни белгилашда қўлланилишига Англия Бош вазири Уинстон Черчилль сабабчи бўлган.

Уинстон Черчилль 1946 йил 5 март куни Фултон шаҳрида сўзлаган нутқида шундай деган: “Болтиқ денгизидаги Штеттиндан Адриатика денгизидаги Триестгача бўлган минтақа бўйлаб темир парда туширилди”. У бу гапи билан собиқ иттифоқнинг Шарқий Европа мамлакатларида социалистик тузумни зўравонлик билан ўрнатиб, ушбу минтақа халқларини Ғарб дунёсидан узиб қўйганига ишора қилган.

Мамлакатимизда “темир парда” тортилмаган бирор-бир соҳа йўқ эди. Бу “темир парда”ларни олиб ташлаш учун айнан инқилоб зарур эди.

Шавкат Мирзиёев ўн йил давомида нафақат “темир парда”га, балки уни халқ билан давлат ўртасида тортганларга ҳам қарши аёвсиз кураш олиб борди.

Мустақилликкача ва унинг дастлабки 25 йилида “инқилоб” сўзи қайси маънода ва нимага нисбатан ишлатилган бўлмасин, бугун бу сўзнинг маъно-мазмуни тубдан ўзгарди, янгиланди. Миллат ҳамда мамлакат учун айнан Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан амалга оширилган тафаккур инқилоби қадрли ва азиздир.

Рустам ХОЛМУРОДОВ,
Самарқанд давлат университети ректори,
Ўзбекистон Республикаси фан арбоби,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

«Мирзиёев доктринаси: ГЛОБАЛ БЕҚАРОРЛИК ДАВРИДАГИ ИМКОНИЯТЛАР ДИПЛОМАТИЯСИ»



1 Китобда ташқи сиёсат масалаларига ҳам алоҳида ўрин берилган. Ўзбекистоннинг очиқ, мувозанатли ва прагматик сиёсати халқаро нуфузни мустаҳкамлаш ҳамда миллий манфаатларни илгари суриш омили сифатида баҳоланган. Устувор йўналишлар сифатида Марказий Осиёда яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш, минтақавий мулоқот, савдо-иқтисодий алоқалар ва транспорт-коммуникация боғлиқлигини ривожлантириш масалалари санаб ўтилган.

Тадбир қатнашчилари мазкур китоб нафақат Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлини тадқиқ этувчилар, балки халқаро муносабатлар, дипломатия, геополитика ва минтақавий интеграция соҳаси мутахассислари учун ҳам фойдали манба бўлиб хизмат қилишига ишонч билдирди. Туркиялик экспертлар китобдаги ёндашувларга катта қизиқиш билдириб, бутун туркий дунё миқёсида ҳамкорлик истиқболларини баҳолаш учун Ўзбекистондаги жараёнларни чуқур англаш муҳимлигини алоҳида таъкидлади.

«Дунё» АА.
Анқара

Ҳукумат қарорига кўра, 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб техникумларнинг ўрта ва ўрта махсус касбий таълим дастурларида ўқиётганларга «Work and Travel» дастури доирасида хорижий давлатларда ишлаш ва саёҳат қилиш имконияти яратилади.

ҚАДИМИЙ МЕРОС ВА ЗАМОНАВИЙ ИНФРАТУЗИЛМА УЙҒУНЛИГИ

Ҳудудларни комплекс ривожлантириш, уларнинг иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш, тарихий-маданий меросни асраб-авайлаш ва халқаро миқёсда тарғиб қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири. Бухоро вилоятида амалга оширилаётган ислоҳотлар, янги инфратузилма ва туризм лойиҳалари бунда алоҳида аҳамият касб этади.

Муносабат

Бухоро — нафақат қадимий обидалар, балки илм-фан, маърифат, савдосотиқ, меъморчилик ва ҳунармандчилик ривожланган ноёб маданий макон. Бугунги вазифа ана шу тарихий салоҳиятни замонавий иқтисодий имкониятлар билан уйғунлаштириш, ҳудуднинг инвестициявий жозибадорлиги ва халқаро нуфузини оширишдан иборат.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Бухоро шаҳрига ташрифи доирасида янги туризм марказидаги қурилиш ишлари билан танишиши ҳамда 2027 йилда ўтказилиши режалаштирилган халқаро тадбирларга тайёргарлик масалалари юзасидан йиғилиш ўтказилиши бу борада муҳим аҳамиятга эга.

Бу ерда 50 гектар майдонда барпо этилаётган янги туризм марказига 105 миллион доллар инвестиция йўналтирилиши режалаштирилган. Марказнинг тўлиқ ишга туширилиши натижасида 2 мингта иш ўрни яратиш, 2 миллиондан ортиқ қўшимча сайёҳ жалб этиш ва маҳаллий бюджетга йилига 288 млрд. сўм тушум таъминлаш имконияти кутилмоқда.

Ушбу рақамлар ортида маҳаллий аҳоли учун янги даромад манбалари, ёшлар бандлиги, ҳунармандлар ва тадбиркорлар учун кенг имкониятлар мужассам. Энг муҳими, туризмдан келадиган иқтисодий самара кенг аҳоли қатламига етиб бориши зарур.



Қолаверса, 2027 йилдаги халқаро тадбирларга тайёргарлик транспорт, хизмат кўрсатиш, хавфсизлик ва шаҳар инфратузилмасини комплекс ривожлантиришни тақозо этади. Шу мақсадда қиймати 300 млн. доллар бўлган янги халқаро аэропорт қурилиши, уни шаҳар билан боғловчи 23,5 километрлик йўл барпо қилиш, темир йўл вокзаллари атрофини ободонлаштириш, автотураргоҳлар, ёритиш тизими ва жамоат транспортини яхшилаш вазифалари белгиланган.

Халқаро тадбирлар Бухоронинг инвестициявий имкониятларини намоён этиш учун ҳам муҳим майдон бўлади. Йиғилишда саноат кооперацияси, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, транспорт-логистика, экспорт ва қайта тикланувчи энергетика соҳаларида хорижий ҳамкорлар билан амалий келишувларга эришиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бухоро дунёга фақат тарихий обидалари билан эмас, балки замонавий ишлаб чиқариши, тадбиркорлик муҳити, қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилиги ва инсон салоҳияти билан ҳам танилиши лозим.

Бухоронинг ўзига хос иқлими, ёздаги юқори ҳарорат ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш зарурати шаҳарсозликда экологик омилларни ҳам устувор вазифага айлантиради. Шу боис яшил ҳудудларни кенгайтириш, дарахт ва буталар экиш билан бирга уларни парваришлаш учун суғориш ва дренаж тизимларини ташкил этиш ҳам муҳим.

Бу лойиҳаларни амалга оширишдаги энг муҳим мезон — уларнинг халқаро тадбирлардан кейин ҳам бухороликлар манфаатига хизмат қилиши. Бунинг учун ҳар бир лойиҳанинг иқтисодий асосланганлиги, молиявий барқарорлиги, келгусидаги эксплуатация харажатлари ва самарали бошқаруви таъминланиши зарур. Айни чоғда маҳаллий тадбиркорлар, ҳунармандлар ва оилавий меҳмон уйлари эгалари учун муносиб имкониятлар яратилиши лозим.

Қадимий заминда амалга оширилаётган ташаббусларни ҳудудни комплекс ривожлантириш, миллий меросимизни асраш ва иқтисодий салоҳиятни рўёбга чиқаришга қаратилган муҳим жараён сифатида баҳолаш мумкин.

Бухоронинг буюк тарихи унинг маънавий пойдевори бўлса, замонавий инфратузилма, инвестициялар ва инсон салоҳияти порлоқ келажагини белгилайди. Бугун барпо этилаётган ҳар бир иншоот, амалга оширилаётган ташаббус, аввало, аҳоли турмуш фаровонлигига хизмат қилгандагина ўзининг ҳақиқий самарасини намоён этади.

Эркин ГАДОЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси.

ҲАЁТИЙ ЯНГИЛАНИШЛАР ВА ЭЗГУ ТАШАББУСЛАР МЕЗОНИ

1



Лизинг олиш қулайлаштирилади

Мажлисда дастлаб якка тартибдаги тадбиркорларнинг лизинг хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу ҳужжат билан якка тартибдаги тадбиркорларнинг лизинг олиш имкониятларини кенгайтириш, лизинг муносабатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасида лизинг объектини ҳисобга олиш тартибини такомиллаштириш, бунда лизинг объекти лизинг олувчининг балансида ҳисобга олиниши акс этмоқда. Лизинг олувчи якка тартибдаги тадбиркор бўлган ҳолларда эса лизинг объекти лизинг берувчининг балансида ҳисобга олиниши белгилаб қўйилмоқда.

Бу эса тадбиркорларда бухгалтерия баланси мавжуд эмаслиги билан боғлиқ ҳолда лизинг хизматларидан фойдаланиш билан боғлиқ чекловни бартараф этишга хизмат қилади. Натижада якка тартибдаги тадбиркорлар учун лизинг хизматларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий механизми яратилади.

Наргиза САЛОМОВА,
Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси аъзоси:



— Қайд этиш жоизки, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши якка тартибдаги тадбиркорларнинг лизинг хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, лизинг объектини ҳисобга олиш билан боғлиқ талабларни такомиллаштириш ҳамда лизинг шартномаларининг ҳуқуқий аниқлигини таъминлашга хизмат қилади. Шу билан бирга, ҳужжатда назарда тутилган нормалар тадбиркорлик субъектлари учун молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, молия бозори инфратузилмасини янада ривожлантириш ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг узлуксиз тизимини шакллантиришга замин яратади.

Мажлисда қонун лойиҳаси учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Патентлар учун давлат божини олдиндан тўлаш имконияти яратилмоқда


Депутатлар интеллектуал мулкни ҳуқуқий муҳофаза ва ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама этди.

Қонун лойиҳаси билан хизмат вазифаларини бажариш жараёнида ходим томонидан яратилган асарлар ёки дастурий маҳсулотга бўлган мулкий ҳуқуқларни тартибга солишда томонларнинг шартномавий эркинлиги таъминланмоқда. Хусусан, хизмат асарларига оид мулкий ҳуқуқларнинг ўн йилдан кейин автоматик равишда муаллифга ўтиши ҳақидаги норма бекор қилиниб, мазкур муносабатларни шартнома асосида белгилаш назарда тутилмоқда.

Ҳужжатда интеллектуал мулк объектлари бўйича давлат экспертизаси қарорларидан норози бўлган шахсларга Апелляция кенгашига мурожаат этиш билан бир қаторда бевосита судга мурожаат қилиш ҳуқуқи берилмоқда. Бу фуқаролар ва тадбиркорларнинг суд орқали ўз ҳуқуқларини ҳимоялаш имкониятини кенгайтиришга хизмат қилади.

Лойиҳа билан Фуқаролик кодекси, “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”, “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”, “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида” ҳамда бошқа қонунларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Беҳзод ТЎХТАМУРОДОВ,
Инновацион ривожланиш ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси:



— Қонун лойиҳаси бугунги кунда долзарб аҳамиятга эга бўлиб, унинг қабул қилиниши интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза ва ҳимоя қилиш механизмларини янада такомиллаштириш, маҳаллий ҳамда хорижий инвесторлар учун ишончли ҳуқуқий муҳит яратиш, инновацион фаолиятни рағбатлантириш ҳамда мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси учинчи ўқишда қабул қилиниб, Сенатга юборилди.

Тадбиркорлик субъектлари учун солиқ имтиёзлари

Мажлисда тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлашга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддамодда кўриб чиқилди.

Ушбу ҳужжат тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, бозорда тенг шароитлар ва адолатли рақобат муҳитини таъминлаш, солиқ имтиёзларини қўллаш механизмларини соддалаштириш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва даромадларини ошириш ҳамда сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни рағбатлантиришга қаратилган.

Қонун лойиҳасида тадбиркорлик субъектларини солиқ енгилликлари орқали қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини рағбатлантириш, ҳудудларда ишбилармонлик фаоллигини оширишга қаратилган асосий қоидалар акс этаётир.

Муҳокамада депутатлар ҳужжат билан берилаётган солиқ имтиёзлари тадбиркорлик субъектларининг молиявий имкониятларини кенгайтириш, ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш ва янги инвестицияларни жалб қилиш учун қўшимча рағбат бўлишини эътироф этди.

Руслан ЖУМАМУРАТОВ,
Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси аъзоси:



— Мазкур қонун лойиҳаси тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётда адолатли рақобатни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Унинг қабул қилиниши тадбиркорлар учун назарда тутилган енгилликлардан самарали фойдаланиш, солиқ муносабатларида ҳуқуқий аниқликни таъминлаш ҳамда ҳудудларда қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга хизмат қилади.

Муҳокама якунида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Чет эл фуқароларининг Ўзбекистонда қонуний меҳнат фаолиятини амалга ошириш тартиби такомиллаштирилмоқда

“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига миграция ва персоналлаштириш бўлинмалари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда аҳолининг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг қонуний меҳнат фаолияти билан шуғулланишини таъминлаш, миграция соҳасида давлат хизматлари сифатини ошириш ҳамда тартиб-таомилларни соддалаштиришга қаратилган изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Қонун лойиҳаси билан чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига доир тасдиқномаларни расмийлаштириш учун Давлат хизматлари марказлари билан бир қаторда Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Миграция ва персоналлаштириш департаменти ҳамда унинг ҳудудий бошқармаларига ҳам мурожаат қилиш имконияти яратилмоқда.

Мажлисда қонун лойиҳаси юзасидан бир қатор саволлар кўтарилди.

Дилмурод АРТИҚОВ,
ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси:



— Меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун мамлакатимизга кириб келаётган чет эл фуқаросини иш берувчи томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти ҳуқуқига доир тасдиқнома мавжуд бўлган тақдирдагина ёлланиб ишга қабул қилиш мумкинлиги белгиланган. Бундай тасдиқномани олиш учун иш берувчининг Давлат хизматлари марказлари орқали “ягона дарча” тамойили асосида мурожаат этиши етарли эмасми? Шу муносабат билан, Миграция ва персоналлаштириш департаменти ҳамда унинг ҳудудий бошқармаларига бевосита мурожаат қилиш имкониятини ҳам назарда тутиш зарурати мавжудми? Бундай тартиб давлат хизматларини кўрсатишда “ягона дарча” тамойилини таъминлаш мақсадига қанчалик мувофиқ?

Қонун лойиҳаси ташаббускорлари ушбу саволга атрофлича тушунтириш бериб ўтди.

Савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Инвестициялар, саноат ва савдо вазирининг парламент сўровига жавоби кўриб чиқилди

Депутатлар инвестициялар, саноат ва савдо вазири Л. Кудратовнинг “Ҳудудларда чет эл инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш жараёнларини мониторинг қилиш, инвестициявий самарадорликни баҳолаш ва инвесторлар билан ишлаш механизмларини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида”ги парламент сўровига жавобини кўриб чиқди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда ҳар бир инвестициянинг илғор технологиялар трансферига, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга, маҳаллий мутахассисларни тайёрлаш ва ресурслардан самарали фойдаланишга хизмат қилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тақдим этилган жавобга кўра, 2026 йилнинг январь — сентябрь ойларида 44,3 млрд. АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестиция ва кредит маблағлари ўзлаштирилган. Шу даврда қиймати 3,8 млрд. доллар бўлган 106 та йирик лойиҳа ишга туширилиб, 13,8 мингта иш ўрни яратилган.

Шунингдек, инвестиция лойиҳалари ижросини рақамли мониторинг қилиш, уларда юзага келадиган муаммоларни ўз вақтида аниқлаш, махсус иқтисодий зоналар бошқарувини такомиллаштириш ҳамда давлат кафолати остида жалб этилган хорижий кредитлардан самарали фойдаланиш бўйича ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Тақдим қилинган жавобда келтирилишича, махсус иқтисодий зоналарнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш мақсадида “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрири лойиҳаси ишлаб чиқилгани, экспортчиларни қўллаб-қувватлаш чоралари мамлакатимизнинг халқаро савдо мажбуриятларига мувофиқлаштириб борилаётгани баён қилинган.

Депутатлар инвестициялар самарадорлигини фақат ўзлаштирилган маблағлар билан эмас, балки яратилган қўшилган қиймат, барқарор бандлик, маҳаллий кооперация ва аҳоли фаровонлигига таъсири орқали баҳолаш муҳимлигини қайд этишди.

Мазкур масалалар юзасидан парламент назоратини амалга ошириш инвестиция соҳасида қонунчилик ижросини ўрганиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда масъул давлат органлари фаолиятининг натижадорлигини кучайтиришга хизмат қилиши айтилди.

Мажлисда парламент сўровига жавобда кўтарилган масалалар бўйича атрофлича маълумотлар тақдим этилгани таъкидланиб, тегишли қарор қабул қилинди.

* * *

Мажлисда, шунингдек, рақамли технологиялар вазири Ш. Шерматовнинг “Сунъий интеллектни ривожлантириш, устувор йўналишларга кенг жорий этиш ҳамда бу борада белгиланган лойиҳаларнинг амалга оширилиш ҳолати тўғрисида”ги ахборотини эшитиш ҳақидаги масала атрофлича кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

КУН ТАРТИБИДА — ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ МАСАЛАСИ

Халқ депутатлари Янгиҳаёт тумани Кенгашининг навбатдаги мажлисида жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш масалалари муҳокама марказида бўлди. Унда Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қутбиддин Бурҳонов ва қўмита раиси ўринбосари Баҳром Абдуллаев иштирок этди.

Муҳокама

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарори ижроси доирасида 2026 йилнинг январь — сентябрь ойларида туманда жиноятчиликни жиловлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, маҳаллаларда хавфсиз муҳитни шакллантириш ва аҳоли билан мазмунли ишлаш борасида амалга оширилган ишлар атрофлича таҳлил қилинди.

Қайд этилганидек, ҳисобот даврида



туманда фирибгарлик жинояти 78 тадан 43 тага, талончилик 7 тадан 3 тага, оғир тан жароҳати етказиш билан боғлиқ жиноятлар 6 тадан 4 тага, жами жиноятлар сони эса ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 0,6 фоиз камайган.

Шунингдек, ёшлар томонидан содир этилган жиноятлар 210 тадан 161 тага, вояга етмаганлар жиноятчилиги 18 тадан 9 тага, муқаддам судланган шахслар томонидан содир қилинган жиноятлар 120 тадан 95 тага ва ишсизлар томонидан содир этилган жиноятлар эса 63 тадан 51 тага қисқарган.

Айрим турдаги жиноятлар ўсиш тенденциясига эга экани танқидий муҳокама қилинди. Хусусан, безорилик ҳолатлари деярли уч баравар кўпайган (5 тадан 14 тага), қасддан ўртача оғирликдаги тан жароҳати етказиш 5 тадан 9 тага, енгил тан жароҳати етказиш ҳолатлари 8 тадан 14 тага кўпайган. Олдини олиш мумкин бўлган жиноятлар сонининг 37 тага ошгани эса профилактика ишларида мавжуд камчиликларни бартараф этиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Муҳокама чоғида тумандаги 30 та маҳалланинг 24 таси “сариқ”, 6 таси “яшил” тоифага киритилгани, “қизил” тоифадаги маҳаллалар мавжуд эмаслиги маълум қилинди. Бунда, айниқса, “сариқ” тоифадаги маҳаллаларда криминоген вазиятни соғломлаштириш, жиноятчиликка сабаб бўлаётган ижтимоий ва бошқа омилларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича тизимли ишларни ташкил қилиш зарурлиги таъкидланди.

Сенаторлар жиноятчилик кўрсаткичларини фақат умумий рақамлар билан баҳолаш эмас, ҳар бир ҳуқуқбузарликнинг келиб чиқиш сабаблари, уни содир этишга имкон берган шарт-шароитлар ва профилактикадаги камчиликларни таҳлилга тортиш муҳимлигига эътибор қаратди.

Мажлис якунида туман ҳокимлиги, прокуратура ва ички ишлар органлари масъулларига жиноятчиликнинг ўсиш кузатилаётган турлари бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, вояга етмаганлар, ёшлар, хотин-қизлар, ишсизлар ҳамда муқаддам судланган шахслар билан манзилли профилактик ишларни кучайтириш, “сариқ” тоифадаги маҳаллаларда криминоген вазиятни яхшилаш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли вазифалар белгилаб олинди.

Сенатор ва ёшлар

БЎЛАЖАК ШИФОКОРЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ

Олий Мажлис Сенати аъзоларининг ёшлар билан учрашуви — ёш авлоднинг орзу-интилишлари, муаммо ва ташаббусларини ўрганиш, уларни давлат сиёсати ҳамда қонунчилик жараёнларида акс эттиришга хизмат қиладиган муҳим майдон.



Бундай учрашувлар натижасида ёшларни ўйлантираётган масалалар, таълим, иш билан таъминлаш, тадбиркорлик, уй-жой, касб-ҳунар эгаллаш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ муаммолар ўртага ташланади. Шунингдек, ёшларнинг янги ғоялари, инновацион лойиҳалари ва ижтимоий ташаббусларини рўёбга чиқариш учун ҳуқуқий ҳамда ташкилий кўмак бериш имкониятлари кўриб чиқилади.

Шу маънода, Сенатнинг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси Гулнора Маъруфова пойтахтнинг “Туркистон” саройида тиббиёт йўналишида таҳсил олаётган талаба-ёшлар билан учрашув ўтказди.

Тадбирда талабаларга сифатли таълим олиш, назарий билимларини амалиётда мустаҳкамлаш ва касбий кўникмаларини ривожлантириш учун яратилаётган имкониятлар ҳақида сўз борди. Ушбу имкониятлардан самарали фойдаланиш, ўз устида мунтазам ишлаш ва танлаган касбига масъулият билан ёндашиш муҳимлиги таъкидланди. Суҳбатда беморларга ҳурмат ва эътибор билан муносабатда бўлиш, тиббий одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Тадбир якунида бўлажак тиббиёт ходимларининг тантанали қасамёд маросими бўлиб ўтди.

«Халқ сўзи».

Сув ресурслари:

МУАММО ВА ЕЧИМ

Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси томонидан сув хўжалиги соҳасида сув ресурслари ҳисобини юритиш ҳамда улардан самарали фойдаланиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолати ўрганилди.

Ўрганиш

Хусусан, Сув хўжалигини рақамлаштириш ва мониторинг марказида сув ресурслари ҳисобини юритиш, улардан фойдаланишни назорат қилишга қаратилган 11 та ахборот тизимини жорий этиш жараёнлари, жумладан, “Сув ҳисоби” ахборот тизимининг имкониятлари ва бошқа давлат органлари билан ўзаро интеграцияси кўриб чиқилди. Шунингдек, “Smart Water” тизими орқали сув оқимини реал вақт режимида кузатиш, сув миқдорини аниқлаш ва ҳисобини автоматлаштириш, ҳудудларда сув ресурсларидан фойдаланиш устидан мониторинг олиб бориш имкониятлари кўздан кечирилди.

Кадрлар тайёрлаш йўналишида “Сувчилар мактаби” фаолияти ҳам ўрганилди. Мазкур мактабда сув хўжалиги соҳаси мутахассисларининг билим ва малакасини ошириш, уларни замонавий технологиялардан фойдаланишга ўргатишга қаратилган ўқув машғулотлари ташкил этилган бўлиб, 2026 йилда жами 11 443 нафар тингловчи таълим олган.

Ўқув жараёнлари билан бир қаторда сенаторлар ҳудудларда ўтказилаётган дарс машғулотларини рақамли платформалар орқали марказлашган ҳолда кузатиш, уларнинг давомийлиги ва сифати устидан масофавий мониторинг олиб бориш имкониятларини ҳам ўрганди.

Ўз навбатида, сувни тежашга қаратилган илмий-амалий ишлар ва лаборатория фаолияти ҳам эътибордан четда қолмади. Хусусан, каналларни бетонлаштиришда замонавий технологиялардан фойдаланиш, сув йўқотилишининг олдини олиш ҳамда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан танишилди.

Шу билан бирга, ҳудудларда “ақлли” сув иншоотларига хизмат кўрсатувчи малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёж, кадрлар салоҳиятини ошириш ва уларни тайёрлаш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Ўрганиш якунида сув хўжалиги тизимида рақамлаштириш жараёнларини янада такомиллаштириш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва замонавий ахборот технологияларини кенг жорий қилиш юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Ўзбекистондаги Нурота тизмасидан қадимий қоятош суратлари ва бронза даврига оид манзилгоҳ қолдиқлари топилди.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 4 ноябрь

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ТАЯНЧ НУҚТАСИ

Қорақалпоғистон — мамлакатимиз тараққиётида муҳим ўрин тутадиган, улкан иқтисодий, ижтимоий ва маънавий салоҳиятга эга ҳудудлардан бири. Унинг мамлакатимиз равнақига қўшаётган ҳиссаси, бой табиий ресурслари, меҳнат салоҳияти ҳамда стратегик аҳамияти алоҳида эътиборга молик. Шу билан бирга, Қорақалпоғистон ўзининг бой тарихи, бетакрор маданияти, миллий қадриятлари, меҳнаткаш ҳамда бағрикенг халқи билан ҳам ажралиб туради.

Мулоҳаза

Шу боис сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Қорақалпоғистонни ҳар томонлама ривожлантириш, мавжуд имконият ва салоҳиятдан самарали фойдаланиш, аҳоли фаровонлигини ошириш ҳамда инсонлар учун муносиб турмуш шароитларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, янги иш ўринларини яратиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳоли даромадларини ошириш ва иқтисодий имкониятларни кенгайтиришга қаратилган кўплаб фармон ҳамда қарорларнинг қабул қилиниши ҳам бу замин, унинг одамларига бўлган эътиборнинг амалий ифодасидир.

Дуал таълим афзалликлари

Ҳудудларни ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришда илм-фаннинг тутган ўрни беқиёс. Ҳар қандай ҳудуд тараққиёти илмий тадқиқотлар, замонавий билимлар ҳамда юқори технологияларни амалиётга жорий этиш билан бевосита боғлиқ.

Қорақалпоқ давлат университетида ёқилғи-энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш, электр тармоқларидаги техник йўқотишларни камайтириш, мавжуд энергетика инфратузилмасининг ишончлилигини ошириш, ишлаб чиқариш жараёнларига малакали муҳандис кадрларни тайёрлаш бўйича “таълим — илм-фан — ишлаб чиқариш” тизими йўлга қўйилди. Бу эса дуал таълим афзаллигини назария ва амалиёт уйғунлиги асосида таъминлаш имконини бермоқда.

Жумладан, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ Қорақалпоғистон ҳудудий филиали билан ҳамкорликда электр тармоқлари объектларида кафедра филиаллари ташкил этилиб, уларга етакчи профессор-ўқитувчилар ва талабалар бириктирилган. Қолаверса, бугунги кунда университетнинг тажрибали профессор-ўқитувчилари томонидан тармоқ корхоналари ва муассасаларнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган омиллар чуқур таҳлил қилиниб, иқтисодий самарадорликни оширишга қаратилган илмий тавсиялар ишлаб чиқиляпти.

Шу билан бирга, ушбу ҳамкорлик ҳамда амалий лойиҳалар ёш мутахассислар ва



талаба-ёшларимизнинг бандлигини таъминлаш, уларни касбий фаолиятга мослаштириш ҳамда муносиб иш ўринлари билан таъминлашга хизмат қилаётир. Айниқса, бу талаба-ёшларимизнинг олий таълим даргоҳида олган назарий билимларини бевосита ишлаб чиқариш жараёнида амалда синаб кўриш ва мустаҳкамлаш имконини беряпти.

Таклифдан амалиётгача

Бугунги кунда табиий газ захираларидан оқилона фойдаланиш ҳамда йўқотишларнинг олдини олиш бевосита мамлакатнинг энергетика хавфсизлиги ва иқтисодий барқарорлигини таъминлайди. Айни пайтда университетимизда бу борада ҳам муайян амалий ишлар олиб борилаётир.

Хусусан, профессор-ўқитувчиларимиз иштирокида ҳудудий газ таъминоти корхонаси мутахассислари билан ҳамкорликда газ тақсимлаш тармоқларининг техник ҳолати, газ баланси ва ҳисоб тизими, газ сизиб чиқиши мумкин бўлган нуқталар, ҳисобга олиш ускуналарининг ишлаш ҳолати жойларга чиққан ҳолда ўрганиляпти. Таҳлил натижалари асосида Базарген ва Ата-уба маҳаллаларида дала тадқиқотлари ҳам ўтказилди. Унга кўра, 438 та хонадондан иборат Базарген маҳалласида газ тармоқлари ва уланиш нуқталарини инструментал текшириш натижасида 45 та газ сизиб чиқиш нуқтаси аниқланиб, индивидуал газ фильтрларини босқичма-босқич марказлаштирилган фильтр тизимига ўтказиш, “ГРП”ларни замонавий автоматик ҳамда масофавий мониторинг воситалари билан жиҳозлаш бўйича илмий-техник таклифлар ишлаб чиқилди.

Эътиборлиси, таклифларнинг бир қисми ҳудудий газ таъминоти корхонаси билан ҳамкорликда амалиётга жорий этилди. Жумладан, саккизта марказий газ фильтри ўрнатилди, ҳудудда битта замонавий масофадан бошқариладиган газ тақсимлаш қурилмаси ишга туширилди. Илмий-амалий ўрганишлар, ишлаб чиқилган тавсиялар ҳудудий газ таъминоти корхонаси билан ҳамкорликда бажарилган техник чора-тадбирлар даврида Тўрткўл тумани бўйича газ йўқотишлари кўрсаткичида ижобий динамика кузатилди.

Шу билан бирга, илмий-амалий ҳамкорлик натижаларини таълим жараёнига интеграция қилишга ҳам эътибор қаратилди. Университетимиз ва “Ҳудудгаз Қорақалпоғистон” газ таъминоти филиали ўртасида дуал таълимни ташкил этиш бўйича ҳамкорлик шартномаси тузилди. Мазкур ҳужжат “Нефть ва газ технологияси” ҳамда “Геодезия, картография ва табиий ресурслар” кафедраларининг тегишли таълим йўналишлари талабаларини ишлаб чиқариш жараёнларига жалб этиш, амалий машғулотларни корхона базасида ташкил қилиш, газ тармоқларини техник ўрганиш, геодезик ўлчаш, картографик акс эттириш ва

> *“Қорақалпоқ давлат университетида ёқилғи-энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш, электр тармоқларидаги техник йўқотишларни камайтириш, мавжуд энергетика инфратузилмасининг ишончлилигини ошириш, ишлаб чиқариш жараёнларига малакали муҳандис кадрларни тайёрлаш бўйича “таълим — илм-фан — ишлаб чиқариш” тизими йўлга қўйилди.”*

рақамлаштириш ишларида иштирокини таъминлашни кўзда тутади.

Шу тариқа университет профессор-ўқитувчилари томонидан барча ишлар “илмий ўрганиш — муаммони аниқлаш — илмий-техник ечим ишлаб чиқиш — ишлаб чиқаришга жорий этиш — натижадорликни мониторинг қилиш — дуал таълимга интеграциялаш” тамойили асосида олиб борилмоқда. Бу ёндашув университетнинг илмий салоҳиятини ҳудуддаги реал ишлаб чиқариш муаммоларини ҳал этишга йўналтириш билан бирга, талабаларнинг амалий муҳандислик компетенцияларини шакллантириш ҳамда ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Стратегик устувор вазифалар

Президентимизнинг тегишли қарори ижросини таъминлаш мақсадида университетнинг устувор вазифалари белгиланиб, бу борада факультет ва кафедралар кесимида аниқ мақсадли режалар ишлаб чиқилди. Шу асосда профессор-ўқитувчилар ва ёш тадқиқотчилардан ташкил топган гуруҳлар республика ҳудудларидаги 16 та туман ва Нукус шаҳридаги 90 та “оғир” тоифадаги маҳаллалар учун мастер-режа дастурлари тайёрлади.

Дастур фаолиятидан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунга қадар ушбу маҳаллаларда қатор амалий чора-тадбирлар ҳам бажарилди. Маҳаллаларнинг жойлашуви, маъмурий чегаралари ҳамда мавжуд ҳудудий ҳолати ўрганилиб, муаммолар ечими бўйича маҳалла раислари, ҳоким ёрдамчилари ва бошқа масъул ходимлар билан ҳамкорлик кучайтирилди.

Мавжуд ижтимоий, транспорт, муҳандислик-коммуникация ҳамда инфратузилма объектлари тўғрисида дастлабки маълумотлар йиғилди, ҳудудлардаги мавжуд муаммолар, ердан фойдаланиш ҳолати, қурилишлар, бўш ер майдонлари ва ривожлантириш имкониятлари ўрганилди. Маҳаллаларнинг мавжуд ҳолати акс эттирилган таянч хариталар, таҳлилий схемалар тайёрланган муаммолар ечимида қўл келмоқда.

Қолаверса, маҳалла ҳудудларини истиқболли ривожлантириш, аҳоли учун қулай муҳит яратиш, яшил ҳудудларни кўпайтириш, йўл-транспорт ва муҳандислик инфратузилмасини яхшилаш бўйича дастлабки лойиҳавий таклифлар ишлаб чиқилди. Олиб борилаётган ишлар кафедралар ва масъул раҳбарлар иштирокида муҳокама қилиниб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чоралари белгилаб олинаётгани айни муддао бўлаётир.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларини ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришда Қорақалпоқ давлат университетининг ўрни алоҳида. Бугунги кунда университет нафақат таълим ва илм-фан маркази, балки ҳудуддаги долзарб муаммоларга амалий ечим топувчи интеллектуал таянч нуқтага айланди. Зеро, маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш ҳамда ёшларни илм-фан ва касб-ҳунарга йўналтириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар натижалари шундан далолатдир.

Олимжон ДУЙСЕНБАЕВ,
Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг ўқув ишлари бўйича проректори.

БУНДАЙ ЭЪТИБОРНИ ҲЕЧ ҚАЧОН КЎРМАГАНМИЗ

Бугун юртимизда илм-фанга қаратилаётган эътибор Президентимиз томонидан илгари сурилган “Учинчи Ренессанс пойдеворини илм-фан ва маърифат ташкил этади” деган эзгу ғоянинг амалдаги ифодасидир. Сўнгги йилларда мамлакатимиздаги барча илмий-тадқиқот муассасалари моддий-техника базаси янгиланди, замонавий лабораториялар барпо қилинди, инновацион лойиҳалар ва стартапларни молиялаштириш тизими яратилди, ихтирочи ва олимларнинг меҳнати давлат даражасида муносиб қадрланмоқда. Ёшларнинг илмга интилиши учун шу қадар кенг имкониятлар очилганки, уларни санаб адоғига етиш қийин. Биз бундай эътиборни бутун ҳаётимиз давомида ҳеч қачон кўрмаганмиз.

Дил сўзи

Айниқса, профессор-ўқитувчилар меҳнатига бериладиган баҳо тубдан ўзгарди. Бундан ўн йил муқаддам фан доктори, профессор унвонига эга олимнинг ойлик маоши бор-йўғи 2-2,5 миллион сўм атрофида эди. Бу маблағ оилани зўрға тебратишга етар, кўплаб иқтидорли олимларимиз илмни ташлаб, бошқа соҳаларга ёки хорижга кетишга мажбур бўлар эди. Бугун эса олий таълим соҳасидаги ўртача ойлик иш ҳақи 1000 доллардан ошди, фан доктори, профессорларнинг маоши эса бундан ҳам юқори, яъни ўн йил олдингига нисбатан 20 баробар кўп. Бу шунчаки рақамлар эмас, бу — олим қадрининг, устоз обрўсининг қайта тиклангани, илм аҳлининг эртанги кунга бўлган ишончи демакдир. Бугун олим ўз оиласининг тирикчилиги ҳақидагина қайғуриш эмас, балки илм, кашфиёт ва шогирдлари, бир сўз билан айтганда, мамлакат тараққиёти ҳақида ўйлаш имконига эга бўлди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2022 йилдан буён давлат олий таълим муассасалари магистратурасида таҳсил олаётган барча хотин-қизларнинг тўлов-шартнома суммалари қайтариш шартисиз, тўлиқ Давлат бюджети ҳисобидан қоплаб берилмоқда. Ҳар йили ўн минглаб қизларимиз ана шу имконият туфайли илм чўққиларига интилмоқда, уларнинг орасидан олимлар, профессорлар, ихтирочилар етишиб чиқмоқда.



Мен фаолиятим давомида дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакатларида бўлиб, кўплаб нуфузли университетлар ва илмий марказлар фаолияти билан яқиндан танишганман. Лекин очиқ айтишим керакки, ҳеч бир мамлакатда илм-фанга, ёшларнинг билим олишига биздагичалик эътибор берилмайди. Хусусан, хотин-қизларнинг магистратурадаги таълими учун тўловларни давлат тўлиқ ўз зиммасига олганини ҳеч қаерда учратмаганман. Ривожланган давлатларда ҳам ёшлар олган таълими учун йиллар давомида қарз тўлаб юради. Бизда эса давлатнинг ўзи илм йўлидаги фарзандларимизга ғамхўрлик қилмоқда. Бу чинакам халқпарвар ва келажакни ўйлайдиган раҳбарнинг сиёсатидир.

Илм-фан ва таълим соҳасига, олимлар ва ёшларга кўрсатилаётган беқиёс ғамхўрлик, яратиб берилаётган кенг имкониятлар бизни янгидан-янги марраларга руҳлантиради. Президентимиз бошлаган эзгу ишларни янада равнақ топтириш учун бор куч-ғайратимизни ишга солишга ундайди.

Иброҳим АСҚАРОВ,
кимё фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи.

Табаррук замин

«БУЮК МУТАФАККИРЛАР ХИЁБОНИ»



Абу Райҳон Беруний номидаги Урганч давлат университети ҳудудида “Буюк мутафаккирлар хиёбони” ташкил этилди. Унда жаҳон илм-фани, адабиёти ва тамаддуни тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган 18 нафар аллома ва ижодкорнинг ёрқин образлари гавдалантирилган.

Хиёбоннинг кириш қисмида миллатимиз ойдинлари — Абдулла Авлоний, Усмон Носир, Абдулҳамид Чўлпон ва Абдулла Қодирий ҳайкаллари қад ростлаган. Шундан кейин Хоразм адабий муҳитининг забардаст вакиллари — Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз) ҳамда Муҳаммадризо Огаҳий сиймолари жой олган.

Эътиборга молик яна бир жиҳати, маърифий маконда илм-фан ва адабиёт ривожига ҳисса қўшган аёллар — маърифатпарвар педагог Марям Султонмуродова, ўзбек мумтоз шеъриятининг ёрқин вакили Жаҳон отин Увайсий ҳайкаллари хотин-қизларнинг маънавий ва интеллектуал салоҳияти, жамият тараққиётидаги ўрнини эслатиб туради.

Хиёбон бўйлаб давом этар экансиз, шоир ва файласуф Паҳлавон Маҳмуд, Кубравия тариқати асосчиси Нажмиддин Кубро сиймоларига дуч келасиз. Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий, астрономия ва математика фанлари ривожига улкан ҳисса қўшган Мирзо Улуғбек, араб тилшунослигининг йирик намояндаси Маҳмуд аз-Замахшарий, математик ва астроном Абу Наср Мансур ибн Ироқ, Шарқ фалсафасининг буюк вакили Абу Наср Форобий, жаҳон тиббиёти тарихида ўчмас из қолдирган Абу Али ибн Сино ҳайкаллари ҳам маърифий масканнинг мазмун-моҳиятини янада бойитади.

Хиёбоннинг марказий қисмида эса икки буюк қомусий олим — Муҳаммад ал-Хоразмий ва Абу Райҳон Беруний ҳайкаллари қад ростлаган.

“Буюк мутафаккирлар хиёбони” талабаларнинг маънавий камолоти, интеллектуал салоҳияти ва дунёқарашини бойитишга қаратилган ўзига хос очиқ таълим майдонидир. Бу ерда китоб мутолааси, ўзаро фикр алмашиш ва маданий ҳордиқ чиқаришга мўлжалланган шинам айвончалар ҳам барпо этилган.

Одилбек ОДАМБОЕВ
(«Халқ сўзи»).

ПУХТА ҲОЗИРЛИК — ХОТИРЖАМЛИК КАФОЛАТИ

“Қиш ғамини ёзда е”, дейди халқимиз. Бу шунчаки насиҳат эмас, унинг замирида юз йиллар давомида тўпланган ҳаётий тажриба, узоқни кўзлаб иш тутиш, эртанги кунга бугундан тадорик кўриш мақсади мужассам.

Тараддуд

Айни кунларда жойларда куз-қиш мавсумига пухта ҳозирлик кўриш, иситиш тизимлари, муҳандислик-коммуникация тармоқларини соз ҳолатга келтириш ва ёғин-сочинли кунларнинг хотиржам ўтишини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар юқоридаги халқона ҳикмат мисолида ўз ифодасини топади.

Ҳудудларда мавсумга тайёргарлик ишларининг бориши, муаммоларни аниқлаш ва амалий ечимига кўмаклашишда маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳам фаол иштирок этмоқда. Чунки белгиланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида бажарилиши, ҳар бир масъулнинг вазифасига сидқидилдан ёндашиши ва учраётган камчиликларнинг ўз вақтида бартараф қилиниши қиш-қировли кунларни беталафот ўтказишнинг кафолатидир.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, доимий комиссия аъзолари ҳамда Фавқулодда вазиятлар бош бошқармаси мутасаддилари иштирокида Мирзо Улуғбек туманининг 6-Қорасув даҳасида олиб борилган ўрганишлар ҳам айнан шу мақсадга қаратилди. Унда “Авайхон обод гроуп” бошқарув сервис компаниясига қарашли кўп квартирали тураржой биноларининг умумий техник ҳолати, ёнғинга қарши воситалар билан таъминланганлиги, эвакуация йўлаклари ва умумий фойдаланиш жойларидаги хавфсизлик ҳолатлари пухта кўрикдан ўтказилди. Ушбу компаниянинг тураржой биноларига техник хизмат кўрсатиш, коммунал тизимларнинг барқарор ишлаши, юзага келиши мумкин бўлган носозликларнинг олдини олиш ва аҳоли хавфсизлигини таъминлаш бўйича бажарилаётган ишларнинг бориши ўрганилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги мутасаддилари, депутатлар иштирокида Миробод туманида ўтказилган ўрганишларда ҳам асосий эътибор мавсумга тайёргарлик, фуқаролар учун қулай, хавфсиз шароит яратиш бўйича ишлар қандай олиб борилаётганига эътибор қаратилди.

Масалан, “7-Минг ўрик сайлов округи”даги 17 та маҳалла фуқаролар йиғинида 66 370 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ҳудуддаги кўп квартирали уйларнинг умумий сони 389 та бўлиб, кириш йўлаклари 1 127 тани, хонадонлар эса 16 662 тани ташкил этади. Мазкур кўп квартирали уйларга жами 43 та бошқарув сервис компанияси (БСК) хизмат кўрсатади. Уларнинг асосий вазифаси кўп квартирали уйлар ва уларга туташ ҳудудларни сақлаш, умумий мол-мулкдан хавфсиз фойдаланишни таъминлаш ҳамда аҳолига сифатли коммунал хизматларни кўрсатишдан иборат.

— Пойтахтда инфратузилма, коммунал хизматлар кўрсатиш тизими юқори даражада ривожланган. Лекин бу улар фаолияти муаммолардан холи дегани эмас, — дейди халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Отабек Жиянбоев. — Масалан, “Саракул Барака” БСК вакилларининг маълум қилишича, компания ва аҳоли ўртасида шартномавий муносабатлар ҳали тўлиқ йўлга қўйилмаган. Сабаби айрим кўп квартирали уйлар аҳолиси улар билан шартнома тузишдан бош тортмоқда. Натижада уйларни сақлаш, умумий фойдаланиш жойларини таъмирлаш ва бошқа коммунал хизматларни ташкил этишда муаммолар юзага келаётир. Баъзи хонадонларнинг кўрсатилган хизматлар учун тўловларни ўз вақтида амалга оширмаслиги, шунингдек, шартнома тузилмаган хонадонлар бўйича қарздорликни ундириш борасида ҳам ҳуқуқий-ташкилий муаммолар кузатилмоқда. Бу эса бевосита БСКнинг молиявий имкониятларига, хизматлар сифатига таъсир кўрсатмоқда. Кўп квартирали уйларда юзага келадиган авария ҳолатлари ва бошқа муаммолар ҳақида тезкор хабар бериш учун махсус сигнал тугмалари ўрнатилган. Бироқ айрим фуқароларнинг ушбу тизимни сақлаш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ тўловларни амалга оширмаганлиги сабабли фавқулодда вазиятларга тезкор жавоб қайтаришга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар юзага келаётгани ҳам маълум бўлди.

Ўрганишлар натижасида бошқарув сервис компаниялари фаолиятидаги бу каби муаммоларни бартараф этиш, хизматлар сифатини яхшилаш, аҳолининг хайрихоҳлигини янада ошириш бўйича таклифлар ўртага ташланди.

Кунлар совиб, ҳаво ҳарорати пасайгани сари халқ орасида шамоллаш, тумов, нафас йўллари хасталиклари кўпаяди. Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, касалликларнинг олдини олиш ва беморларга сифатли хизмат кўрсатишда тиббиёт муассасаларининг мавсумга шайлиги ҳам муҳим ўрин тутади. Айниқса, улардаги иситиш тизимларининг барқарор ишлаши, дори-дармон захираси, зарур тиббий жиҳозлар ва малакали мутахассислар билан таъминланганлиги совуқ кунларни беталафот ўтказишда катта аҳамиятга эга.

287 мингга яқин аҳоли истиқомат қиладиган Фарғона вилоятининг Қува туманидаги 22 та тиббиёт муассасасидаги мавсумга ҳозирлик жараёнининг боришини назорат қилишда халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари ҳам фаол иштирок этяпти. Ҳудуддаги 159 та ижтимоий соҳа объекти, жумладан, 69 та мактаб, 61 та мактабгача таълим ташкилоти, 7 та маданият ва спорт муассасасидаги ҳолат ҳам улар диққат-марказида.

— Кунлар салқинлаши билан тиббиёт муассасаларида ўзига хос синов даври бошланади. Шифохона таъмирланганлиги ёки иситиш тизими узлуксиз ишлашининг ўзи мавсумга тайёргарликни англатмайди, — дейди халқ депутатлари туман Кенгаши котибияти мудири Рустам Нодиров. — Ҳудудимиздаги ижтимоий муассасалар билан бир қаторда тиббиёт муассасаларида олиб борилаётган депутатлик назорат тадбирларида асосий эътибор улардаги бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш, зарур дори-дармон воситалари билан таъминланганлик, керакли мутахассислар мавжудлиги каби жиҳатларга эътибор қаратиляпти. Масалан, “Гулобод” маҳалла фуқаролари йиғинидаги 2-оилавий поликлиника 16 149 минг нафар аҳолига хизмат кўрсатади. Бу ерда 41 нафар тиббиёт ходими фаолият юритади. Қозонхонада таъмирлаш ишлари олиб борилган, иситиш тизимларининг техник ҳолати текширувдан ўтказилиб, қўшимча созлаш ишлари якунига етган. Аммо канализация тармоғида бир қанча носозликлар борлиги маълум бўлди ва уни ҳал этиш юзасидан масъулларга тегишли вазифалар берилди.

Совуқ кунлар эшик қоқар экан, бундай об-ҳаво шароитида таълим даргоҳларида қулай ва хавфсиз муҳит яратиш янада долзарб вазифага айланади. Чунки бу жиҳат таълим-тарбия жараёнининг узлуксизлигини таъминлашда, ёш авлод саломатлигини сақлашда муҳим ўринга эга.

Синфхоналарда меъёрий ҳароратни таъминлаш, иситиш тизимларидан хавфсиз фойдаланиш, фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш масалалари айни кунларда халқ депутатлари Шароф Рашидов туман Кенгаши депутатлари олиб бораётган депутатлик назорати тадбирларининг мазмун-моҳиятини ташкил этяпти. Туман Кенгаши депутати, котибият мудири Акмал Раҳмонов ва депутат Икром Азимов 53-умумтаълим мактабида, депутат Меликўзи Омонликов 24 ва 15-умумтаълим, депутат Зулфизар Жўрабоева эса 31-умумтаълим мактабида олиб борган ўрганишларида иситиш тизимлари ва ускуналари, қозонхоналар ва бошқа зарур инфратузилмаларнинг техник ҳолати, ёғин-сочинли кунларда барқарор ва узлуксиз ишлашга тайёргарлиги кўриб чиқилди. Шунингдек, кўмир ёқилғисининг мавжудлиги, ҳажми ва сақланиш шароитлари, ёқилғидан самарали фойдаланиш, узлуксизлигини таъминлаш ва бинолларни барқарор иситиш имкониятлари кўздан кечирилди. Аниқланган камчиликларга ечим топиш юзасидан масъулларга тегишли тавсиялар берилди.

— Пухта тайёргарлик кўриш фақат ёқилғи захираси билан ўлчанмайди. Бунда иситиш тизимлари ва қозонхоналарнинг техник созлиги, электр ва газ таъминоти, бино ва иншоотларда хавфсизлик талабларига риоя этилиши, зарур ҳолларда тезкор чоралар кўриш имкониятлари ҳам тўлиқ инобатга олиниши керак, — дейди туман Кенгаши котибият мудири Акмал Раҳмонов. — Шундан келиб чиқкан ҳолда депутатларимиз ижтимоий соҳа объектларида олиб бораётган ўрганишларда муаммоларни жойида аниқлашга ва мутасадди ташкилотлар билан биргаликда ҳал этишга катта эътибор қаратмоқда.

Қиш остона хатлар экан, бирор кўнгилсизлик ёки фавқулодда ҳолат юз бериб, унинг оқибати билан курашгандан кўра бундай кутилмаган ҳолатларнинг олдини олишга бугундан масъулият билан ёндашган афзал, албатта. Мавсумга тайёргарликнинг натижасини эса вақт кўрсатади.

Дилноза ҲАЙИТОВА
(«Халқ сўзи»).

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари учун жорий ўқув йилидаги кузги таътил 4 ноябрдан бошланиб, 9 ноябрга қадар давом этади. II чорак дарс машғулотлари 10 ноябрдан бошланади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1142. 17 559 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Бобожонов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 02.00 Топширилди — 02.30 1 2 3 4 5 6